



ТЕХНИКА СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИН ВА ИБОРАЛАРНИНГ
АФЗАЛЛИКЛАРИ

Маматкаримова Барно Хабибуллаевна

ЎзДЖТУ докторанти

Тилшунослик фанида терминларни ўрганиш билан шуғулланадиган терминология ва унга яқин бўлган номенклатура тушунчасини аниқ белгилаш ва улар ўртасидаги фарқларни ажратиш муҳим масала ҳисобланади. А.А. Реформатскийнинг фикрича: терминнинг асосий функцияси нарса ва ходисаларни номлашдан иборат экан, демак, терминлар асосида асосан от келади. Шунингдек, Р. Дониёров ўзининг техник терминологиясига бағишланган тадқиқотида фақат от туркумига оид терминларгина терминология объекти бўла олади деб ҳисоблайди.

Берилган фикрларни тўлиқ баён этсак тилшуносларнинг фикридан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, талабаларга соҳага оид терминларнинг хусусиятлари, яъни, уларнинг ясашиш усуллари ҳақида билим ва кўникмага эга бўлишлари керак. Бундан кўриниб турибдики, машғулотларда инглиз тилида терминларни ўқитиш жараёнида албатта уларнинг лингвистик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Чунки терминлар тил лексик қатламининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Терминологик луғатнинг ҳар қандай тадқиқи атаманинг ўзига хос таърифига асосланади, кўпинча меъёрий (агар атама махсус сўз бўлса) ёки тавсифловчи (агар атама ўзининг махсус вазифасида сўз бўлса) характерга эга. Техника олий ўқув юртлари талабалари томонидан махсус атамашунослик ишлаб чиқилиши ўрганилаётган материални қулай ва тушунарли қиладиган терминологик қатламни тизимлаштиришга асосланиши керак ва албатта ўзаро таълим тамойили муҳим аҳамиятга эга. Чунки баъзи ҳолларда талабалар ўз мутахассисликлари бўйича фанни яхшироқ ўзлаштирадилар ва ўқитувчини тузатишлари мумкин. Касбий йўналтирилган матн ва машқларни диққат билан танлаш машғулот самарадорлигининг асосий шартидир. Грамматик кўникмалардан ташқари, талабалар талаффуз қобилиятларини машқ қилишлари керак. Бундан ташқари, мулоқотнинг реал вазиятларини моделлаштиришни киритиш керак - бу ҳаётга имкон қадар яқин бўлган ва оғзаки мулоқот кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берадиган вазиятлардир. Талаба чет тилида мулоқот қилиш шароитида ҳам синфда, ҳам мактабдан ташқарида яратилган чет тилидаги мулоқот жараёнига тайёрланиши керак: танаффусда, кўчада инглиз тилида мулоқот қилишга ҳаракат қилса натижага сифатли ва тезроқ эришади. техникатизимидаинглизтилинисамаралиўқитишталабаларнитўғримотиватци яқилишгабоғлиқ.

Уларинглизтилининимаучунўрганаётганларинивабууларнингкелажакдагикасбларидак андайфойдалибўлишимумкинлигинианиқтушунишларикерак.

Бусизинглизтилининиўрганишсамарасизбўлади.

Ўзнавбатидабизўқитувчисифатидауларгакелажакдагикасбидафойдалибўладиганзарур



билимларни беришга интиламиз.

Бунинг учун турли машқлар ва турли тадбирлардан фойдаланамиз, хусусан:
лексика ва грамматика машқлар, аудиоёзувларнинг тинглаш,
тематик видеоларнинг томоша қилиш кабилардир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки фан, техника, маданият, таълим, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда, хусусан касбий фаолиятда мутахассисларнинг чет тилидан фойдаланиш малакасига эга бўлиши ҳозирги замон талабларидан биридир. Тилда предмет, воқеа ва ҳодисалар, уларнинг белгиларини ҳар доим ҳам бир сўз билан ифодалашнинг имкони бўлавермайди. Шунинг учун ҳам муайян предмет ёки тушунчани икки ёки ундан ортиқ терминларнинг бирикувидан ҳосил бўлган янги яхлит сўз орқали ифодалашга эҳтиёж сезилади. Инсон кишилик жамияти орттирган тажрибани сўз орқали ўзлаштиради, чунки тафаккур сўз ёрдамида содир бўлади. Тил ўрганувчилар ўрганаётган тил лексикасини ўрганишга кўп вақт сарфлашади ҳамда тез-тез ва кўп учрайдиган сўзларни ўз ичига олган луғатлардан фойдаланишни яхши кўрадилар. Лекин, бу тилдан фойдаланишга ўргатмайди, чунки луғатлар тилдан фойдаланиш ҳақида маълумот бермайди. Тез ўрганиш бу шунчаки лексик элементларга эътибор қаратиш эмас, балки тақдим этилиши ва қўлланилиши керак бўлган лексик хусусиятларнинг турларини синчковлик билан ўрганишидир. Тил ўрганувчилар ҳар доим тилни ўрганиш аслида уларнинг маъноларни ўрганиш деган фикрни ёдда тутишлари лозим. М.К. Халидей фикрича "Тил ижтимоий жараённинг маҳсулидир ва тил бошқалар билан мулоқот давомида вужудга келади". Ишлаб чиқариш соҳасидаги сиртқи таълим йўналиши талабаларида инглиз тилини мукамал ўрганган сўзлари орқали фикр алмашишларига ёрдам бериш учун ўқитиш методикаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундан кўриниб турибдики, олимлар тил ўрганувчиларга инглиз тилида ҳақиқий мулоқот қобилиятини ривожлантиришда грамматикани эмас, балки ўз касбларига оид яъни профессионал лексикани ўргатиш муҳимлигини таъкидлашади. Инглиз олими, профессори Луиз В.нинг маълумотига кўра: "Тил грамматикага мосланган лексикалардан иборат эмас, балки лексикага мосланган грамматикадан иборатдир". Бошқа шу каби олимларнинг таъкидлашича, қоидалар боғловчи эмас, балки тартибга солувчи ва улар сўзларсиз ҳеч қандай кучга эмасдир.

Янги лексик бирликнинг маъносини эгаллаш чоғида қўлланиладиган методик усуллар қуйидаги омилларга боғлиқдир: терминнинг хусусияти: актив/пассив терминга оидлиги: таълим боқичи ва талабалар савияси: янги терминнинг тақдим этилган шакли (ўқиб ёки идрок этиш): янги бирликни таништириш жойи (дарс, дарслик, луғат) кабилардир.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилида лексика ва терминларни ўргатишда замонавий лингводидактик ютуқларни ҳисобга олиш, инглиз тилидаги терминларнинг талабаларга замонавий усуллардан фойдаланиб ўқитиш, шунингдек, соҳага оид дарсликларни яратиш зарурлиги мақсадга мувофиқлиги инглиз тили терминларини ўқитиш сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Инглиз тилида сўз ва терминларни ўргатишда асосан касбга оид терминларни ўргатишда талабаларнинг

Ўзбек ва инглиз тиллардан бўлган тил тажрибалари ҳисобга олиниши лозим. Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб машқлар бажариш лексик кўникмани шакллантиришда самарали бўлади. Олимларимизнинг фикрларини эътиборга олиб, замонавий методлар ва ёндашувларни таълим жараёнига тадбиқ этиб, луғат ва терминларни фойдаланишида, энг аввало, талабаларнинг заруриятига қараб танлаши ва бу уларда тил билишга қизиқишни оширишга туртки бўлиши мумкинлигини дарсларни ташкиллаштирганда инобатга олишлари муҳим.

АДАБИЁТЛАР :

1. Реформатский А.А. 'Creating a test corpus for term extractors through term annotation'. Terminology, 20/1. 50-73 Bertels, A. and Speelman, D. (2014).
2. 'Technical vocabulary in specialised texts'. Reading in a Foreign Language, 15/2. 103-116 Chung, T. M. & Nation, P. (2004). 'Identifying technical vocabulary'. System, 32, 251-263.
3. Alcina, A. (ed.) (2009/2011). Teaching and learning terminology: New strategies and methods (special issue). Terminology, 15/1. Republished as an anthology (2011).
4. Rakhmanova G.G. Mamatkarimova B.Kh. Learning and Using of Technical Terms in English For Non-Specialist Directions . International Journal on Orange Technologies (IJOT) i 2021. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijot.v3i4.1682>